



O'zbekiston Nogironlar Assotsiatsiyasi nashri

# IMKONIYAT

Ijtimoiy-siyosiy, huquqiy va madaniy gazeta • t.me/imkoniyatgazetasi • № 7 son (7) • 2024 yil 6 aprel • shanba

## 2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили



### Жамоатчилик мониторинги



### Тўсиқсиз муҳит яратиш йўлида

Мамлакатимизда, кейинги пайтларда ногиронлиги бўлган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишлари мутлақо янги босқичга олиб чиқилмоқда. Юртбошимиз томонидан бир қатор қарор ва фармонлар имзоланди ҳамда 2021 йили Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция ратификация қилинди. Бу тоифадаги шахсларнинг сони, ногиронлик даражаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлди.

Бугунги кунда ногиронлиқни қайди этиш билан боғлиқ мураккаб бюрократик жараёнлар бартараф этилмоқда. Шу билан биргаликда, ногиронлиги бор шахслар учун, айниқса, халқаро мезонлар талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда "тўсиқсиз муҳит"ни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"нинг 3-моддасида:

"d) ногиронларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилиш ва буни инсоний турфа хилликнинг таркиби ва инсониятнинг бир қисми сифатида қабул қилиш;  
e) имкониятларнинг тенглиги;  
f) тўсиқсиз фойдаланиш" тадбирлари алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Халқаро Конвенциянинг бу талаблари ижтимоий давлат ҳисобланган мамлакатимизда муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентини шу йилнинг 12 январида «Ўзбекистон Республикасида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини имзолади.

(Давоми 2-бетда).

### 27 март – Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ташкил топган кун

## ИСЛОҲОТЛАРГА КАМАРБАСТАЛИК

Хар қандай демократик давлат тараққиёти кўп жиҳатдан фуқаролик жамияти субъектларининг фаоллигига боғлиқ. Бу субъектлар демократия тамойилларини барқарор этиш, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, коррупцияга қарши кураш, шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик даражаси фуқаролик жамияти тараққийнинг энг асосий моҳияти ва муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда сўнгги тараққиёт босқичи даврида кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Харакатлар стратегиясида ҳам фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини тақомиллаштириш, барча соҳаларда жамоатчилик назорати тизимини амалга оширишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш масалалари асосий вазифа сифатида қайди этилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг 12-мақсадда таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш вазифаси кўрсатиб ўтилган. Бунда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, жамоавий муносабатлар асосида ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурлари ижро сифатини текшириш амалиётини жорий этиш муҳимдир. Айрим давлат функцияларини амалга ошириш жараёнига жамоатчилик назорати субъектларини кенг жалб қилиш, давлат органлари фаолиятини ўрганишда ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликларни очиб муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйиш



масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев - шу ҳақда гапирганда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш – самарали бошқаруви амалга оширишнинг устувор йўналишидир", дея таъкидлаган эди.

Ўзбекистонда Давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда бошқа фуқаролик институтларининг фаолиятини тартибга солишда мустақам қонунчилик базаси яратилди. Конституциямизда давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлашни, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиши учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш мустақамлаб қўйилган. Қомусимизнинг ушбу қоидаларини ривожлантириш борасида қўллаб-қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва шу тарихи фуқаролик жамияти институтлари ҳақида миллий қонунчилик тизими шакллантирилди. Айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий-техник чора-тадбирларнинг яхлит тизими белгиланган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда 2018 йилда Ўзбекистон Ногиронлар ассоциациясининг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида давлат таътидан ислохотларнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Утган бир неча йил давомида Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси бутун бир тизим сифатида мамлакатимизда ҳудудларда, вилоят ва туманларда ўзининг бўлим ва бўлимчаларини ташкил этди. Муҳими, жойларда истиқомат қилаётган ногиронлиги бўлган инсонларни қўллаб-қувватлашга ва улар билан жонли мулоқот амалга оширилди.

Ногиронлиги бўлган инсонлар билан ишлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш ва жамиятимизнинг бу тоифадаги эҳтиёжидан қатламга жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиш сингари фойдаланиш ва савоботлаш ишга жамоатчилик синовларидан ўтган қўллаб-қувватлаш ва ҳаётий таърибга эга инсонлар таллаб олинди. Бизнинг халқимиз азалдан ногиронлиги бўлган инсонларга меҳр ва ғуруват билан муносабатда бўлган. Бу маънавий қадриятларимиздан бири ҳисобланади. Аммо кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар қатор Қарор ва Фармонлар, янги тахрирдаги Конституциямиз асосида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга доир кенг қўламдаги қонунчилик асослари яратилди.

(Давоми 2-бетда).

### Бандлик

## МОНОМАРКАЗ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР

Мономарказлар мутахассисликка қайта тайёрлаш, касб ўрганиш учун ишсиз ва иш қидираётган шахсларга хизмат кўрсатувчи давлат муассасаси ҳисобланади. Касб-хунар ўргатувчи бу ташкилотлар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи мономарказлари тизимидан иборат. Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат!» мономаркази бош муассаса сифатида мамлакатимиз ҳудудларида ташкил этиладиган мономарказларга ўқув-методик жиҳатдан раҳбарлик қилади, улар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, жумладан, касб-хунар, тадбиркорлик кўникмаларига, ҳорижий тилларга ўқитиш, касбий малакани баҳолаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради.

Мономарказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, улар учун касб-хунар, ҳорижий тиллар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш бўйича ўқув-методик материаллар Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат!» мономаркази ташкил этишда муҳим роль ўйнади. Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани «Ишга марҳамат!» мономаркази фаолияти 2021 йил

июнь ойидан бошланган. Мономарказ бугунги кунда мурожаат этувчиларга айна пайтда керак бўладиган, замонавий касбларни ўргатиш борасида барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шунинг учун ушбу марказга қўллаб-қувватлаш мурожаат қилмоқдалар. Мономарказни жорий йилнинг шу кунига қадар 470 нафар ёшлар таъминланди. Уларнинг 339 нафарини аёллар ташкил қилади. Муҳими, курсларимизни «Аёллар дафтари»га кирган 15 нафар, «Ёшлар дафтари»га кирган 12 нафар, ногиронлиги бўлган 10 нафар фуқаролар тугаллашди.

Бугунги кунда мавжуд 63 та гуруҳда жами 647 нафар фуқаролар касб-хунар ўрганмоқдалар. Уларнинг 503 нафарини аёллар ташкил қилади. Касб-хунар ўрганувчиларнинг орасида 18 нафар

### Давра суҳбати

## МАҚСАДИМИЗ - ТАЪЛИМ БЕРИШ ВА КАСБГА ТАЙЁРЛАШ

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг равишда иштирок этишига қўмақлашиш, шунингдек, кучли ва барқарор фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида миллий ва халқаро ташкилотлар олдидан уларнинг умумий манфаатларини таъминлаш Ўзбекистон Ногиронлар ассоциациясининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу боис, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"ни талаб ва қоидаларини қўллаш турмушга таътиб этиш борасида ўзқон кўзлаган ҳолда тарғибот-ташвиқот ҳамда ташкилий ишлар олиб бориш бизнинг мақсад муқаддасларимизни белгилаб беради.

Инклюзив жамият яратиш барча ривожланган мамлакатлар учун одатдаги маданият ва яшаш тарзи бўлиб қолиши керак. Утган йили мамлакатимизда Асосий қонунимиз – Конституция янги тахрирда қабул қилинди. Жамият тақдирини белгилаб берадиган бу ҳужжатда мамлакатимизда истиқомат қилаётган ногиронлиги бўлган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида муҳим қадамлар ташланди. Муҳими, Ўзбекистонимиз ижтимоий давлат деб эълон қилинди. Шундан кейин ҳам ногиронлиги бўлган инсонлар, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ҳимоялаш йўналишида мамлакатимиз миқёсида кўпгина мезърий ҳужжатлар қабул қилинди ва қўллаб-қувватлаш яратиб берилди.

Биз шу йилнинг бошидан буюн мамлакатимизда ногиронлиги бўлган инсонлар учун тўсиқсиз муҳит яратиш борасида кенг доирада амалий ишлар олиб бормоқдамиз. Айниқса, бу борада қўллаб-қувватлаш мониторингларини амалга оширяймиз. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Андижон туманининг "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинида қурилган кўп қаватли турар-жой биносидан, Хонобод шаҳрининг "Кампиробод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги дам олиш масканида, Олтинкўл тумани марказидаги "Бунёдкор мелiorатор" масъулияти чекланган жамиятда кузатув-ўрганиш ишлари олиб борилди. Биноларга кириш жойидаги ногиронлиги аравақларининг йўлакларини, пандуслар, эшикларнинг кенглиги текшириб чиқилди. Жамоатчилик мониторингини давомидан аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли тавсиялар берилди. Муҳими, ордан кўп вақт ўтмасдан мавжуд камчиликлар бартараф қилинди.

Биз ўз мақсад ва вазифаларимизга эришиш учун қўллаб-қувватлаш ва муассасалар билан ҳамкорлик қиламиз. Шу маънода бизнинг энг қўлай ва ҳаракатларимиз учун мақбул бўлган идоралардан бири нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланади. Ушбу ташкилот ҳам юридик шахс бўлиб, фуқаролар (юридик шахслар) томонидан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, умумий манфаатларини биргаликда амалга ошириш, хайрия ҳамда бошқа мақсадларда ташкил этиладиган бирлашмадир. "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотига қуйидагича таъриф берилган: "Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан иштироки асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ҳамда олинган даромадларини (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир".

Бир сўз билан айтганда, бизнинг Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ҳудудий бўлими ҳам нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, мақсадларимизнинг асосий тамойиллари ННТлар билан мос келади. Жорий йилнинг 6 март кунини Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Тараққиёт стратегияси марказининг вилоят бўлими ҳамкорлигида "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ННТларнинг роли ва ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Бу йиғилишда билдирилган фикрлар биз амалга оширадиган ишлар йўналишига яна ҳам яхшироқ аниқлик киритилди. Асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" да амалга ошириладиган давлат дастурининг талаб ва мақсадлари муҳокама этилди. Ногиронлиги бўлган ёшлар бизнесини қўллаб-қувватлаш борасида аниқ режалар ишлаб чиқилди.

Ёшлар, айниқса, ногиронлиги бўлган инсонлар бизнесини ривожлантиришга қўмақлашиш ортимиш тараққиётини ўзининг келажаги деб билган ҳам бир инсон, айниқса, масъул шахслар учун муҳим фуқаролик бурчи ҳисобланади. Биз шундай мақсад билан Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг давлат гранти танловларида иштирок этдик. Натияжада, "Ногиронлар учун касбга тайёрлаш ўқув масканларини ташкил қилиш ва иқтидорли ногиронлиги бўлган шахсларни бу масканларда касб ва хунарларга ўқитиш" бўйича грант маблағларини ютиб олдик.

Ҳозирги кунда вилоятимизда истиқомат қилаётган ногиронлиги бўлган ёшларни турли туман касб-лашга тайёрлаш бўйича қизғин маъшулотлар олиб боришмоқда. Мана шу тадбир ногиронлиги бўлган ёшларни муаммоларини ҳал этиш ва уларни кундалик турмушга жалб қилишда бошқа ҳар қандай чоралардан амалийроқ ва зарурроқ бўлиб қолмоқда. Чунки, замонавий касбга эга ногиронлиги бўлган ёшлар ўзи учун даромад манбаларини яратиши, кейин оила кураш сингари муҳим босқичларга қўтарилади. Энг ҳурроқлиси, яхши иш ва оила ногиронлиги бўлган ёшга ҳар томонлама қатта рағбат ва иштиқоқ бахш этади. Унинг саломатлигида ҳам яхши ўзгаришлар кузатилиши мумкин.

Бизнинг фаолиятимизда бугун мамлакатимизда ногиронлиги бўлган инсонларга яратилган имтиёзлар ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини тунштириш, бундай инсонларнинг биринчи навбатда таълим олиши ва саломатликларини тиклашларига қўмақлашиш учун давлат имкониятларини ишга солмоқдамиз. Ижтимоий давлатимизда барча фуқаролар тенг ва фаровон ҳаёт кеңиришига қўмақлашиш ҳар доим бизнинг сий-харақатларимизнинг моҳияти бўлиб қолаверади.

Обиде АБДУРАҲИМОВ,  
ЎЗНА Андижон вилояти ҳудудий бўлими раиси.



"Аёллар дафтари"да, 12 нафар "Ёшлар дафтари"дагилар ва 20 нафар ногиронлиги бўлган фуқаролар бор.

(Давоми 2-бетда).

# Жамоатчилик мониторинги ТўСИҚСИЗ МУҲИТ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун яратилаётган бу сингари кулайликлар ва имтиёزلарни ҳаётга татбиқ этиш борасида барча чораларни ишга солиб, мавжуд ҳуқуқий имкониятлардан янада яхшироқ фойдаланиш учун турли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 21 октябрь "Шаҳарсозликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини таъминлаш ҳамда барча ижтимоий инфратузилма объектларини улардан монеликсиз фойдаланиш учун мослаштириш тўғрисида" ги КК-415-IV сон Қарорининг 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси раисининг 19 февраль 2024 йилдаги буйруғига асосан Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими томонидан давлат қабул комиссиясига тушган қурилиш объектларини ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан тўсиқсиз муҳит мавжудлиги нуқтани назардан ўрганиб чиқилди.

Умуман, ЎзНА Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлимига 2023 йилдан – 2024 йилнинг 16 февралга қадар янги жамоатчилик биноларида тўсиқсиз муҳит яратилганлиги бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш борасида жами 37 та мурожаат келиб тушган, шундан 22 та объект қабул қилинган. ЎзНА назорати текширув ишлари 10 та объектада ўтказилди. Жумладан, "Qarshi med" МЧЖнинг меҳмонхонаси, тадбиркор Дилшод Эшлеминовнинг хусусий корхонаси ҳисобланган дўкони, Ақром Нўмонсултоновнинг тўйхонаси, тадбиркорлар Алишер Дустиаров, Баҳром Эргашев, Асадбек Юсупов, Одил Газиевга тегишли дўконлар ва "Китоб шарҳлари" номли дўкон текширувдан ўтказилди.



Шуни афсус билан қайд этиш керакки, текширилган мазкур 10 та объектдан 9 тасида тўсиқсиз муҳит замонвий талабларга жавоб берайди. Аммо ЎзНАнинг ҳудудий бўлими томонидан мана шу объектлардан фойдаланиш учун рұхсат берилган.

Ҳудди шундай кузатиш ишлари Сирдарё вилоятида ҳам олиб борилди. ЎзНА Сирдарё вилоят ҳудудий бўлимига 2023 йилдан – 2024 йилнинг февралига қадар жами 9 та мурожаат келиб тушган, шундан 2 та объект – "Бетон Саноат" МЧЖ га қарашли кўп қаватли уй ҳамда "Курувчи сантех цемент" МЧЖнинг кўп қаватли уйи қабул қилинган. Биз қабул қилинган шу иккита объектада кузатув ишлари олиб бордик. Аммо улардаги вазият тўсиқсиз муҳит талабларига жавоб берайди.

Мамлакатимизда ўтган йили Асосий



қонунимиз – Конституция янги тахрирда қабул қилинди. Унда ногиронлиги бўлган инсонларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш борасида қатор моддалар киритилди. Шу билан биргаликда, мамлакатимиз ижтимоий давлат деб эълон қилинди. Мана шу янгиланишлар ва ўзгаришларни биз эндиликда ҳисобга олиб инклюзив жамият яратиш борасида шаффофлик ва собит-қадамлик билан иш юритишимиз зарур бўлади.

Мамлакатимизда барпо этилаётган ҳар бир жамоатчилик биноси тўсиқсиз муҳит қодаларини ҳисобга олган ҳолда қурилиб, фойдаланишга топширилиши зарур. Бунинг учун ЎзНА нинг ҳар бир вилоят ҳудудий бўлими ходимлари зиммаларига юклатилган вазифага масъулият билан ёндашмоқлари даркор.

**Азиз МУҲАМЕДУЖАЕВ,**  
Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси  
Жамоат назорати бўлими бошлиғи.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ЎзНА ходимлари мамлакатимизнинг барча сарҳадларида яшаётган ногиронлиги бўлган инсонларга ана шу қонунчилик асосларини, яъни ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини аниқлаб етишлари ва имтиёزلардан фойдаланиб, яхши турмуш кечиришлари учун ҳуқуқий маслаҳатлар бериб келмоқдалар.

Кейинги пайтда, айниқса, мамлакатимиз ижтимоий давлат деб эълон қилинганидан кейин ногиронлиги бўлган ҳамюртларимиз учун инклюзив жамият ташкил этиш, билим олишлари, ишга жойлашишлари, уларга касб ва хунарлар ўргатиш борасида мунтазам ишлар олиб бормоқдамиз.

Биз яшаб турган ҳудудда тўсиқсиз жамият ташкил қилиш борасидаги ишларимиз тизимли асосда давом этмоқда. Бунёд бўлаётган ҳар бир жамоатчилик биносидан ногиронлиги бўлган инсонларнинг ҳаракатланишлари учун шароит ҳозирлашга эришмоқдамиз. Бунинг учун жойларда доимий тарзда жамоатчилик назорати олиб борилмоқда.

## Бандлик

# МОНОМАРКАЗ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги кунда мономарказда жами 116 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Шулардан 31 нафар касбий таълим усталари ва ўқитувчилар, 25 нафари касб-хунар ўргатиш усталари.

Бундан ташқари, 2023 йилда Тошкент вилояти Оққўрғон тумани "Ишга марҳамат!" мономарказининг Ангрэн шаҳар филиали очилди. Унга 9 нафар касбий таълим усталари ва ўқитувчилар танлов асосида ишга олинди.

Мономарказда касб-хунар ўргатаётган устозларнинг билим ва маҳоратларини оширишга мунтазам эътибор бериб келинмоқда. Ҳозирги кунда жами 13 нафар ходим

## 27 март – Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ташкил топган кун

# ИСЛОҲОТЛАРГА КАМАРБАСТАЛИК

Муҳими, ассоциациямиз мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлади. У ташкил этилган йилданок "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонунни яратишда фаол иштирок қилмоқда. Ҳукуматимизнинг Республикамазда ногиронлиги бўлган шахсларга тааллуқли қабул қилинган барча Фармон ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлашга фаол иштирок этиб келамиз.

Ассоциация тақлифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий ўқув юртиларига киришлари учун 2 фоизлик квота белгиб берилди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда "Шаҳар ҳамма учун" деган қулай жисмоний муҳит яратиш лойиҳаси амалга оширилди.

Бизнинг саъй-ҳаракатларимиз натижасида ҳомийларнинг кўмаги билан биргина 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган ногиронлиги бўлган шахсларга 600 дан ортиқ аравачалар тарқатилди, 1700 дан ошди, жисмоний имконияти чекланган инсонларга ижтимоий ва ҳуқуқий йўналишда маслаҳатлар берилди.

Очилини айтиш керак, олиб бораётган ишларимиз халқроқ миқёсда баҳолана бошлади. 2018 йилда Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ногиронлик масалалари бўйича ногиронлар жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирокида халқроқ конференция ўтказди. Бу тадбир амалга ошираётган тадбирларимизнинг халқ

қаро савияга кўтарилишига туртки берди. Амалга оширилган ишларимиз тўғрисида яна узоқ гапиришимиз мумкин. Аммо бир сўз билан айтганда, бугунги кунда бизнинг БМТнинг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"сини амалиётга жорий этишни, шунингдек, инклюзив жамият яратишни мақсад қилиб олган ассоциациямиз 35 тан олти йил муқддат давомида ўз атрофида ўтган таърих ва нотижорат ташкилотини бирлаштирган йирик тизимга айланди. Биз эндиликда ногиронлиги бўлган инсонлар билан янада яқинроқ ва самаралироқ ишлаш имкониятига эга бўлдик.

**Ойбек ИСОҚОВ,**  
Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси раиси.



малака ошириш курсларига қатнаб сертификатлар олганлар. Улар томонидан ўқув қўлланмалар, кўрсатмалар тайёрланди ва режа асосида ҳар ойда мастер класслар ўтказиб келинмоқда.

Мономарказда ногиронлиги бўлган инсонларга касб-хунарлар ўргатиш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда алоҳида "Имкониятлар маркази" ташкил этилди. Бу даргоҳда имконияти чекланган фуқароларнинг касб-хунар ўрганишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Яъни алоҳида машғулот хоналари жиҳозланди.

Мономарказ ҳаётида кундан-кун янги ўзгаришлар кузатилмоқда. Шу кунларда, бу ерда

"Б" ва "БС" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқитиш, электромобилларга техник хизмат кўрсатиш, кўёш панелларини ўрнатиш ва таъмирлаш касбларига ўқитишни йўлга қўйиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мономарказ фаолиятини янада кенгайтиришнинг асосий омилли бюджет маблағларидан ташқари пул ишлаб топиш имкониятларида қўрилмоқда. Бунинг учун зотли товуқларни боқиб, тухум етиштириш, куркалар кўпайтириб тансиқ гўшт етиштириш йўлга қўйилган. Ҳудуддаги иссиқхонада бодринг парваришланмоқда. Ундан ташқари, биогумус ўқитиш олиш йўлга қўйилди.

Бу ташкилот маъмурияти келгусидаги ишлар режасини ҳам пухта уйлаб қўйган. Унда

қўзиқорин етиштириш, чучвара, котлет, тифтел, лаваш, сомса хамирлари ва бошқа ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаб сотиш, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш турини кўпайтириш, жаҳон банки томонидан берилган жиҳозлардан самарали фойдаланиб "чипс" ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш сингари мўлжаллар бор.

Бу ишлар амалга ошганда мономарказ чет элдан тақомиллашган ўқув куроллари сотиб олади, улар билан синф хоналари жиҳозланади ва касб-хунар ўргатиш савияси янада юқори даражага кўтарилади.

**Гуляриёна УМАРОВА,**  
Тошкент вилояти Оққўрғон тумани  
"Ишга марҳамат!" мономаркази директори.

**Мамлакатимизда ҳар бир инсонни эъзозлаш, унинг тўқис ҳаёт кечириши учун муносиб шарт-шароит яратишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бундай беқийс ўзгаришлардан қўзланган мақсад мундоо битта, у ҳам бўлса ижтимоий давлатимизда одамларни эъзозлаш, айниқса, аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахсларни асраб-авайлаш ва халққа хизмат қилишдан иборатдир. Аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашда пенсия таъминотининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда юртимизда пенсия, ижтимоий нафақа тўлашнинг муқаммад тизимини жорий этиш, эҳтиёжманд оилаларга кўмак кўрсатиш қамровини кенгайтириш, бюджет маблағларини мақсадли сарфланшини таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда.**

Бизнинг Оқдарё туманида пенсия ва нафақа олувчилар билан алоҳида эътибор билан мулоқот олиб борилади. Бугунги кунда пенсионерларнинг барчаси интернетда ташкил қилинган рўйхатга киритилган. Ташкил этилган саҳифага киришингиз билан пенсионер ҳақидаги маълумотларнинг барчаси аниқ бўлади. Шу боис, муаммовлар бир зумда ҳал этилади.

Туманимизда пенсия ва нафақа олувчилар ҳаммаси бўлиб 18165 нафарни ташкил қилади. Улар

## Пенсия таъминоти

# БАНКЛАР РАВНАҚИ ИШЛАРИМИЗГА РИВОЖ БЕРДИ

нинг кўпчилиги ёшга доир пенсия олувчилар ҳисобланади, юрт фаровонлиги учун халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилган бундай инсонлар 15574 нафарни ташкил этади.

Бизнинг жамғаримамиз орқали ногиронлиги бўлганлардан 1813 нафар, боқувчисини йўқотганлардан 778 нафар қарорларимиз пенсия ва нафақаларни олиб турибдилар. Ҳар ойда пенсия ва нафақалар учун жамғарма ходимлари томонидан 22 млрд. 614 млн. сўм маблағ ҳисоб-китоб қилинади.

Жамғаримамиз ходимлари пенсия маблағларини ўз вақтида молиялаштириб, ўз вақтида эгаларига етказиб беришни ўзларининг биринчи галдаги вазифалари деб биладилар. Айниқса, кейинги пайтларда банкларимиз тизимидagi ишларнинг замонавий савияга кўтарилгани боис, жамғарма тизимидagi ишлар бирмунча жадаллашиб кетди. Яъни ҳар бир туманининг одамлар гавжум жойларга, йирик савдо шаҳобчалари ёнига банккомат ўрнатганлари ҳамда кўплаб тўловлар пластик карта орқали амалга оширилаётгани боис, пулнинг нақдсиз муомаласи кўпчилик учун қулай бўлиб қолди. Шунинг учун миқозларимизнинг талабларига биноан маблағлар тўғридан-тўғри, ҳар бир ойнинг бошиданок



пластик карталарга ташлаб берилмоқда. Бу эса кўплаб операцияларнинг енгиллашуви учун имкон беради.

Маълумки, ҳар йили вақти-вақти билан пенсиялар ошириб боришмоқда. Бундай пайтларда ҳисоб-китоблар тезда амалга оширилиб, пенсионерларимизнинг пуллари ўз вақтида етказиб берилиши таъминланади.

Шу йилнинг 1 февралидан муайян тоифадаги пенсионерларимизнинг пенсиялари оширилди. Улар

– зарур иш стажы йўқ кексалар, ногиронлиги бўлган болага қаровчи вакиллар, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилардир. Президентимизнинг Фармониға мувофиқ пенсияларнинг энг кам миқдори минимал истеъмол харажатлари миқдорига етказилди. Бу тадбир иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир энг кам пенсиялар миқдори қўшимча тўловларни ҳисобга олган ҳолда 621 миң сўм этиб белгиланди.

Шунингдек, боқувчисини йўқотган пенсия олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз азвоси учун пенсиянинг энг кам миқдори ойига 621 миң сўм этиб белгиланди. Фармонга асосан энг кам пенсия олувчиларнинг пенсиялари 608 миң сўмдан 621 миң сўмга етказилди. Бунинг натижасида республикамиз Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 109,7 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида бу Фармон аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшади.

**Бахтиёр НОРҚУЛОВ,**  
Иқтисодий ва молия вазирлиги  
хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия  
жамғармаси Оқдарё туман бўлими бошлиғи.

## Ўз касбининг фидойилари

# МАСЪУЛИЯТ КАМОЛОТ ПОЙДЕВОРИ

Ҳар бир инсон амалга ошираётган ишларининг натижадорлигини белгилайдиган бир омил бор. Унинг номини масъулият деб атайдилар. Ўз зиммасидаги масъулиятни инсон қанчалик чуқур ҳис этса, бундай инсон камолот чўққисига шунчалик юқори кўтарилади. Мана шундай одам нафақат ўзи учун, балки одамларни ортидан эргаштириб бошқалар учун ҳам хайрли ишларни амалга ошира олади. Аслида, сўзига эгаллик қиладиган, лабзи бор инсонларнинггина ортидан бошқалар эргашади.

Ўғилча опа ҳар бир ишга жиддий ёндашиш кўникмасини отаси Зокиржон акадан олган. Бу инсон Фарғона шаҳридаги нон заводларининг бирига раҳбарлик қилар эди. Шаҳар худудида шу заводдан чиққан нонлар ўзининг хуштаъмилиги, маромига этиб пишгани билан ажралиб турар эди. Айниқса, дўконларга нонлар ўз вақтида етказиб берилар, харидорлар уларни иссиққина ҳолатда олиб кетишарди. Ҳар доим ойлик машу мукофотларини ўз вақтида олган ишчи ва мутахассислар нон заводини табарруқ даргоҳ деб билишар, Зокиржон отанин унлаб садокатли шоғирдлари бўлар эди.

Зокиржон ака қизи Ўғилчахонни қанчалик эъзозламасин, уни дарсларни астойдил тайёрлашга, меҳнатдан қочмасликка ўргатди. Ўғилчахон айниқса, математика фанига илҳос қўйди. Қизалоқ мактабни яхши баҳолар билан тугаллади. Шаҳардаги педагогика институтининг математика факультетига ҳужжатларини топширди. Аммо киришга озгина балл етмайдди. Шаҳардаги пойабалд фабрикасига ишга кирди ва барча ҳаракатни институтга тайёрланишга қаратди. Кейинги йил у орузосига эришди. Ўз кучи билан институт талабаси бўлди.

Ўғилчахон шундан кейин Фарғона туманидаги Ўрмозор қишлоғидаги 30-сонли ўрта умумтаълим мактабига роппа-росса 11 йил математикадан дарс берди. Фанларнинг "шоҳи" ҳисобланган математикадан болаларни билимдан қилишда яхши ютуқларни қўлга киритган олган ўқитувчи Ў. Мамажоновна ота-оналар ва раҳбарларнинг эътиборига тушди. Уни Фарғона шаҳар Пенсия жамғармасига ишга тақлиф этишди. Математиканинг силрларини билган Ўғилчахон курсларга қатнаб ўз касбига ёндаш

соҳа бухгалтерияни ҳам ўрганди ва тегишли ҳужжат олди. Шу йилларда ўз ишига жиддий киришадиган бу аёлини мустақилликдан кейин барча вилоятларнинг орасида Фарғонада биринчи бўлиб ташкил қилинган Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг вилоят ҳудудий бўлимига ишга тақлиф этишди. У бош ҳисобчи лавозимида ишлаш бошлади. Шу шу Ў.Мамажоновна бутун фаолиятини ижтимоий ҳимоя соҳасига бағишлади.



Янги соҳадаги иш Ўғилчахонни бирмунча ташвишга солди. ЎзНЖнинг вилоят ҳудудий бўлимида ишлайдиган ходимлар кўп эмас, бармоқ билан санарли. Бирок, уни битта катта ташкилотикичалик ҳисоб-китоблари-ю келди-кетдиши бор. Бу идорадаги ҳисоб-китобдан хабардор инсон бошқа барча ташвиш таррадуллардан, албатта, хабари бўлади. Чунки, таширф бюорувчиларнинг иши аввало ишлаётган биттадан бўлса қолганларнинг иши моддий имкониятлар билан ҳал бўлади.

Бу идорага таширф бюорудиган инсонлар, асосан ногиронлиги бўлган фуқаролар. Уларни биринчи навбатда эътибор билан қўйиб олиб, муаммоларини имкон қадар ҳал этилмасликнинг асло иложи йўқ. Йиллар ўтиши билан янги бухгалтерлар шаҳарда истиқомат қиладиган ногиронлиги бўлган ҳамшаҳарларини даярли барчасини танийдиган ва уларнинг асл ҳолатини билладиган бўлди. Хуллас, бу идорага келганларнинг масалалари мана шу бухгалтер қиз бўлса ўз-ўзидан битиб кетаверди. Шундан кейин вақти келиб, ЎзНЖ вилоят

ҳудудий бўлими раиси ўрни бўшаганда ҳеч иккиланмай Ў. Мамажоновна раис этиб сайлашди.

Мустақил мамлакатда ногиронлиги бўлган инсонлар билан ишлаш борасида Ўғилчахон илк тадбирларни ишлаб чиқиб амалиётга жорий қила бошлади. Эндиликда ногиронлиги бўлган инсонлар ўз уюшмаларига йиғиладиган, мусобақалар ўтказадиган, байрамларни нишонлабдиган бўлдилар. Муҳими байрам пайтлари вилоятда истиқомат қиладиган ногиронлиги бўлган инсонлар четда қолмайдиган бўлди. Атрофига аллақачон янгича ҳўжалик юритаётган тадбиркорларни тўплаган ЎзНЖнинг вилоят ҳудудий бўлими ҳомийлар ердимида барча жисмоний имконияти чекланган ҳамшаҳарларини тўплаб ҳар байрамда улар учун кўй-қўшиқлар билан безалган байрам дастурхонини ёздиғандан бўлди. Яқка-ёлғизларнинг ҳолидан хабар олинандиган, тўшада қолган ногиронлиги бўлган инсонларнинг йўқлаб туриладиган бўлди. Натижанда, ногиронлиги бўлганлар билан ишлаш борасидаги Фарғона тажирибаси Ўзбекистон Ногиронлар жамияти махлсларига ўрнак қилиб кўрсатилладиган, ўрганиладиган бўлди.

Шуни айтиш керакки, аниқлик билан ҳаракат қилиш математика билимдонлари руҳиятига сингич кетадиганга ўхшади. Улар ҳатто ваъдани ҳам бекорга бермайдилар. Тез орада ўзининг зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этадиган инсон сиёсатида аллақачон танилган Ў. Мамажоновна Тошкентга, Ўзбекистон Ногиронлар жамиятига ишга тақлиф этилади. У Республиканинг водийдаги ҳудудий бўлими учун масъул этиб тайинланди. Кейинроқ яна ЎзНЖнинг Фарғона вилояти ҳудудий бўлимини бир неча йиллар бошқаради. 2018 йили Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ташкил этила бошлаганидан кейин унинг Фарғона вилояти ҳудудий бўлимини бошқара бошлади.

Очилини айтганда, бугунги кунда Ўғилчахон опа ижтимоий ҳимоя соҳасининг гоят тажирибали ва билимдон ходимларидан бирига айланди. Кейинги йилларда мамлакатимизда ногиронлиги бўлганлар ҳуқуқларини барқарор этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида 200га яқин ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Вилоятда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳа объектлари хизматларидан тўлқонли фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, уларнинг саломатликларини тиклашларига,



таълим олишларига, ишга жойлашишларига кўмаклашиб келинмоқда. Қисқаси, Ўғилчахон Зокиржон бугун инклюзив жамият яратиш йўлида хизмат қилапти. Бу инсоннинг ташаббуси билан ЎзНА вилоят ҳудудий бўлимининг қошида 30 дан ортиқ унитар корхоналар ва масъулияти чекланган жаомиётлар очилди. Айни пайтда бу корхоналарда 300 нафардан зиёд ногиронлиги бўлган инсонлар меҳнат қилмоқдалар.

– Инсон қаерда яшashi ва ишлашдан қатъий назар кадр топиши, фаровон яшashi ва орзу-мақсадларига эришиши керак. Бунинг учун у илм олиши, ишлаши, жамиятдаги инсонлар билан мулоқотда бўлиши керак, – дейди Ў. Мамажоновна, у билан суҳбатлашганимизда. – Илгари биз ногиронлиги бўлганларни касалиқлари бўйича тибибий кўриқдан ўтказар эдик. Бугун инсон қадри шунчалик эъзозланмоқдаки, ҳурматли Президентимиз ўларнинг селектр йиғилишда уларни лаъқатлари бўйича кўриқдан ўтказиш кераклигини айтдилар. Биз бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳар бир уйга кириб бундай инсонларнинг имкониятлари қандай экани, нимага муҳтож эканликларини аниқламоқдамиз. Уларни фаол ҳаётга, ўқишга, ишга жалб этмоқдамиз.

Мамлакатимизнинг ижтимоий давлат деб эълон қилиниши Ўғилчахон опа сингари ижтимоий ҳимоя соҳаларининг ходимлари зиммасига жуда катта масъулият юкляди. Бу сингари фаоллар эндиликда барча саъй-ҳаракатлари ногиронлиги бўлганларни ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ишларини тараққий этган мамлакатлар даражасига етказиш сингари гоят зарур ва савобли ишга қаратмоқдалар.

Ижтимоий ҳимоя соҳасининг фаол ходими ҳисобланган Ўғилчахон опа Мамажоновнанинг меҳрибонлик тадбирларининг пойдорлигини таъминлашда мустаҳкам саломатлик, куч-ғайрат ва узоқ умр тилаб қоламиз.

**Рашид РАУФ.**

Жамоатчилик назорати



НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ИНСОНЛАРНИНГ ТЎСИҚСИЗ ҲАРАКАТЛАНИШЛАРИ УЧУН ШАРОИТЛАР ЕТАРЛИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмаги асосида Қашқадарё вилоятида ўтказилган жамоатчилик назорати натижалари

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонимизда кечаётган янгилашни ва ўзгаришлар жараёнида аҳолининг барча қатлами манфаатларини ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Кўмакка муҳтож эҳтиёжманд оилалар, яқка-ёлғизлар, ногиронлиги бўлган фуқаролар, айниқса, етим болаларга ёрдам кўрсатиш, уларни ўқитиш, касб-ҳунарга ўргатиш ва ишга жойлаштириш ҳамда улар учун шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган бир қатор ижобий ишлар таҳсинга лойиқ.

Маълумки, Президентимиз раислигида жорий йил 20 февраль куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар кенг муҳофиза қилинди. Юртбошимиз бу тизимни тубдан ислоҳ қилиш, ижтимоий ёрдамнинг маънавийлиги ва натижадорлигини таъминлаш зарурлиги тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, йиғилишда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олган қорона ва ташкилотларга бир қатор имтиёзлар берилганлиги, кўп муассасалар, кўчалар ва бекатлар имониети чекланган шахслар ҳаракатланиши учун мослашмагани, мактаб ва коллежларда шартли йўқлиги сабабли ота-оналар ногиронлиги бор фарзандларини узоқдаги махсус интернатга жойлаштиришга мажбур бўлаётгани, бино ва иншоотларни қуриш лойиҳаси ногиронлиги бўлганлар учун қулай муҳит яратилганлиги бўйича ҳам мажбурий экспертизадан ўтказилиши, жамоат транспорти, бекатлар ва чорраҳаларда улар учун тўсиқсиз муҳит яратиш чоралари қўрилиши ҳамда протез воситалари 18 турдан 30 турга оширилиши ҳақида ҳам алоҳида таъкидланди.



муҳитдан, транспортдан, ахборот ва алоқадан, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимидан ҳамда шаҳарларда ҳам қишлоқ жойларида ҳам аҳоли учун очик ёки тақдим этиладиган бошқа объектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг шаҳар ва туманларида жамоатчилик мониторингини ўтказилди. Ушбу мониторинг ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январдаги "Ўзбекистон Республикасида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-20-сонли қароридан кўзда тутилган талаблар асосида олиб борилди. Вилоят ҳудудидаги, мулкчилик шаклидан қатъий назар, аҳолига турли хизматларни кўрсатувчи объектлар ҳамда бошқа шу турдаги жамоат жойларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг кириб-чиқиши учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги, шунингдек, ҳожатхоналарнинг мавжудлиги ва у ерда ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида шарт-шароитлар назарда тутилганлиги, Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси тасарруфидаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий "Imkoniyat" газетаси, УЗНА Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлими, УЗНЖ Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлими, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлими ва "Насиф" телевидениеси масъуллари ҳамкорлигида яратилган қулайликлар ўрганилди.

10 фоизгача, юзаси сирпанчик эмас. Бирок, пандуснинг икки тарафига тутқичлар ўрнатилмаган. Демак, пандус тўлиқ талабга жавоб бермайди. Барча хоналар эшиклари кенглиги 0,9 м. ва ундан каттароқ, Меъёрида. Ҳожатхонанинг ҳолати ахши. Эрак ва аёллар учун ҳожатхона ва таҳоратхона алоҳида хоналарга ажратилган. Ҳожатхона биноси ички қисмида таҳоратхона ҳам мавжуд. Хонага кириш, ҳожатхонанинг ички қисми жисмоний имконияти чекланган инсонлар фойдаланиши учун замонавий услубда, талаб даражасида мослаштирилган. Ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида ҳожатхона қилинган. Зиёратга ташриф буюрган ногиронлиги бўлган фуқаролар, енгил автомобиль ёрдамида ёки ногиронлик аравачаси ёрдамида зиёратга келишлари ва осонроқ амалга ошириши учун қулай имкониятлар яратилган. Ушбу зиёратгоҳ ҳудудида енгил автомобиль ёки ногиронлик аравачаси эркин ҳаракатланиши учун ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Айтиш жоизки, зиёратгоҳ ҳудудида зиёратчилар тадбирлар ўтказиши, китоб мутлоа қилиши учун қишлоқхона мавжуд. Зиёратгоҳда зиёратга ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий зиёратчилар учун намаз ибодатини адо этиш учун намазхона мавжуд. Хуллас, ўрганиш даврида мавжуд бўлган хато ва камчиликлар ҳақида Абу-л-Муин Насафий мажмуасини бошқариш ва ободонлаштириш директори Музаффар Бозоровга тегишли маслаҳат ва тавсиялар берилди.



Тўйчи Тошмухаммедов номидаги мусикали драма театрида ногиронлиги бор шахслар учун "тўсиқсиз муҳит"ни шакллантириш борасида етарлича муаммолар мавжуд. Уларни бартараф этиш ислоҳотга кирмайди, аксинча, мажбурий эканлигини нахотки вилоятдаги мутасадди ташкилотлар раҳбарлари унутишга бўлишса?!

– Вилоят мусикали драма театри биноси ярқисиз холга келиб қолган эди, – дейди театр директори ўринбосари Ақтам Бойтўраев. – Шунинг учун театр биносини 2020 йили ноябрь ойида таъмирлаш ишлари бошланди. Театр таъмири ишларини "Қурилиш кўча колонна 017" масъулияти чекланган жамияти амалга оширган. Афсуски, тўлиқ капитал таъмирлаш ишлари тугалланмай 2021 йил 4 сентябрда театр очилиш маросими ўтказиб юборилган. Очик айтилган бўлса ҳам канализация билан боғлиқ бирорта ишлар қилинмаган.

Директор ўринбосари тўғрисида айтиди. Ҳали ишлар кўп. Мониторинг жараёнида бинонинг кириш қисмига ўтказилган брусчаткалар қинғир қийшқ, баъзи жойлари чўкиб кетган. Ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган пандус талабга мувофиқ жавоб бермайди. Пандуснинг ҳам айрим жойлари чўккан. Театр ичкарисидан ҳам ногиронлиги бўлган фуқаролар учун шартли деярли йўқ. Ҳожатхона ногиронлик аравачасида боришинг имкони йўқ. Ҳожатхона ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилмаган. Ўрни келганда айтиш кераки, барча катта-катта тадбирлар айтишларича шу театр биносидан ўтказилар экан. Ҳатто 3 декабрь – Халқроқ ногиронлар кунига бағишланган байрам ҳам шу жойда бўлар экан. Ўз-ўзидан савол туғилади. Ногиронлиги бўлган шахслар ногиронлик аравачасида бу бинога қандай киришади? Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасида: "...Театрлар, музейлар, кинотеатрлар, ахборот-кутубхона муассасалари ва ахборот ресурслар марказлари, маданият ва истироҳат боғлари ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун қулай бўлиши керак", деб белгилаб қўйилган-ку. Нахотки, бинони капитал таъмирдан чиқаришга маъсۇл бўлган қурилиш ташкилотлари мутасаддилари буни билишмас. Йўқ, билишсади. Улар капитал таъмирлаш ишларига енгил-елли қарашган. Шунинг учун қисқа вақт ичида таъмирланган бино ва кираверши жойлари яна бугунги кунда таъмирталаб ҳолатда.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши осонлаштирувчи инфратузилма ва зарур молдаларга етарли даражадаги имкониятларнинг камлиги ушбу тоифадаги фуқароларнинг ҳуқуқлари бино баъзида ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётда тўлиқ иштирок этиши, таълим олиши, меҳнат қилиши ва бошқа фаолият турларидан тўлиқ фойдаланишига тўсиқлик қилади ва натижада, уларнинг яшаш сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шу тариқа, ногиронлиги бор шахслар, айниқса, жисмоний функциялари бузилганлар, мажбурий ижтимоий четланган ҳолатига тушиб қолишади, бошқаларга қарам бўлиб қолишади ва мавжуд имтиёзларидан фойдалана олмайдилар. Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатларни жамлаган ҳолда, жамоатчилик назорати аюлари билан қайд этилган қонунбузилиш, амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик ҳолатларини бартараф қилиш, жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг қонунчилик билан белгилаб берилган ҳуқуқларини тўлақонли рўёбга чиқарилишига эришиш мақсадида мутасадди ташкилот вакиллари билан таъбир ўтказилиб, уларга тақлиф ва тавсиялар берилди. Бугунги кунда ҳар бир виждони пок инсон "Менга тааллуқли масала эмас экан", деган фикр билан юриши керак эмас, албатта. Ҳар бир ташкилот, муассаса, қолаверса, ҳар ким бу борадаги ўзига тегишли масалаларни режа асосида амалга ошириши лозим. Асосий мақсад – ногиронлиги бўлган шахсларнинг салоҳиятини ошириш, қизиқишлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитларни яратиш, ўқиши, яшаш, энг асосийси, жамиятда эркин ҳаракатланишига имкониятлар яратилса, албатта, улар ўз ўрниларини топадилар.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондида "IMKONIYAT" газетаси томонидан тақдим қилинган "Тенг шароитлар – тенг имкониятлар" лойиҳа доирасида чоп этилди.

Қонунчиликдаги янгиликлар ЖИСМОНИЙ ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ИНСОНЛАР УЧУН ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 12 ЯНВАРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТЎСИҚСИЗ ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.


Қарорга биноан, 2024 йилдан:

- маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз ҳаракатланиши учун маданий мерос объектларида уларга шикаст етказмаган ҳолда пандус, плитус ва лифтлар ҳамда кўзи ожизлар учун маданий мерос объектларининг кичрайтирилган ўлчамдаги макетлари ўрнатилади ва улар тўғрисида Брайль алифбосидаги маълумотлар жойлаштирилади.
• темир йўл ва жамоат транспортларида ҳамда барча аэропорт, вокзал, автошохбекатларда уларга эгалик қиладиган ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган ва жисмоний имконияти чекланган шахслар учун шароитлар, махсус кўтарилиш пандуслари ва қулай зина тутқичлари ўрнатилади ҳамда кема аравачалари (ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус аравача) қўйилади.
• ҳар йили Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида хорижий туризм бозорларида мамлакат туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизгача бўлган қисми:




республиканин тўсиқсиз туризм салоҳиятини хорижий оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тарғиб қилиш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва журналистлар учун инфотурлар ташкил қилиш.

халқро ва хорижий туризм кўргазмалари ва ярмаркаларида мамлакатимизнинг тўсиқсиз туризм йўналишида-



ги салоҳиятини намойиш қилиш учун тарғибот ва тарқатма материалларни тайёрлаш.
«Ипак йўлида туризм» Тошкент халқро туризм ярмаркасида «Ўзбекистонда тўсиқсиз туризм» экспозициясини ташкил қилиш учун йўналтирилади.



• 2027 йил 1 январга қадар Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида минг нафар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ 500 минг сўмдан ошмаган қисми. эшитиш қобилиятини йўқотган ногиронлиги бўлган шахслар учун сурдоғидлар тайёрлаш қорسлари харажатларининг 50 фоизи қўрала берилди.



ни алоҳида таъкидлаш кераки, мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"си талаблари сўзсиз бажариб келинмоқда. Ушбу Конвенцияда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ва бу ҳуқуқлардан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини кафолатлаш таъминлаш белгилаб қўйилган. Шунингдек, Конвенцияда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, хусусан уларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишига иштирок этиш, ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган ва уларни амалга оширишининг ҳуқуқий кафолатлари белгиланган. Бунда, айниқса, ногиронлиги бўлган аёллар, болалар ва кексалар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасидаги ногиронлиги бўлган шахслар учун объектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципи таъминлаб берилётганини ҳамда БМТнинг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"сининг 9-моддасидаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқалар билан тенг равишда жисмоний

Кундалик ҳаётимизда – транспорт, овқатланиш шаҳобчалари, хизмат кўрсатиш объектлари, маданий – кўнгилочар масканларда ногиронлиги бўлган инсонлар учун зарур шароитлар яратилмаганига дуч келамиз. Шу ўринда айтиш жоизки, гарчи бироз кўпроқ бўлса-да, қорни тўқнинг қорни оч билан иши йўқ деганларидек, ҳаммиса ҳам уларнинг дарду ташвишлари ҳақида, ҳаёти ҳақида ёки маданий ҳордик чиқариши ҳақида кўп ҳам уйлайвермайми.

Бирок, бу билан ҳаёт тўхтаб қолмайди. Сизу биз билан бирга яшаб келаётган баъзи ногиронлиги бўлган инсонлар "мен ногиронман, имкониятим чекланган" демай имкон қадар жамиятда илгор бўлишга, ҳаётда ўз ўрнини топиб муносиб яшашига ҳаракат қилишади. Энг эътиборли томони шундаки, уларнинг кўпчилиги инсоният, жамият тароқиёти учун баъзи соғлом инсонлардан кўра кўпроқ фойда келтиради. Ҳатто тўрт мучаси соғломларни ҳам иш билан таъминлайди. Бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, қолаверса, Қашқадарё вилоятида бундай метин иродали, матонатли инсонларни кўпаб учратиш мумкин.

Ҳа, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳаётга интеграция қилишга устувор аҳамият қаратиш, улар жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканликларини доимо ҳис қилишлари лозим. Қузатув-ўрганиш жараёнида Қарши шаҳридаги маданий-қўнғилочар муассасаларнинг айримларида ногиронлиги бўлган инсонлар учун мулоқо шартли яратилмаганининг гувоҳи бўлдик. Қашқадарё вилоят Мулла



• Тараққиёт учун давлат грантлари

# ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Бизнинг ижтимоий давлатимизда инклюзив жамият яратиш сингари гоё савобли иш бугунги долзарб тadbирлардан бирига айланди. Бу сингари муҳим ишларни амалга ошириш кўп жиҳатдан фуқаролик жамияти субъектларининг, жумладан, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси билан шуғулланиб келаётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаоллигига боғлиқ бўлиб келмоқда. Жамиятимизда инклюзив жамият яратишга, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланган Узебекистон Ногиронлар ассоциацияси ҳар томонлама ҳисса қўшмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Ногиронлар ассоциациясининг Навоий вилоят ҳудудий бўлими Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятларининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг "Биргаликда биз кучмиз" номи лойиҳаси қолиби бўлди. Бу лойиҳани амалга оширишда мамлакатда биз кучмиз" номи лойиҳаси қолиби бўлди. Бу лойиҳани амалга оширишда мамлакатда биз кучмиз" номи лойиҳаси қолиби бўлди.

Лойиҳани амалга оширишда мамлакатда истискомат қилаётган аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига қўмаклашиш ва тиббий ҳамда экологик маданиятини юксалтириш сингари тadbирлар кўзда тутилди. Шунингдек, ушбу лойиҳада кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга

давлат хизматлари кўрсатишни ишларини соддалаштириш, уларга қулайликлар яратишга қўмаклашиш борасида амалий ишлар рўёбга чиқариш мўлжалланган. Муҳими, бу борада самарали ижтимоий шерикчиликни тақомиллаштириш тиббий, ижтимоий ва маданий хизмат кўрсатиш объектида мониторинг ўтказиш режалаштирилди. Бу жараёнда ногиронлиги бўлган шахсларнинг хизматлардан тўсиқсиз фойдаланишини таъминлаш, жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг муаммоларини ўрганиш ва бу масалаларни тизимли ҳал этишга қўмаклашиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан шартномалар имзолаш учун ишчи

гурӯх ташкил этилди.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун ахборот материаллари, тарқатма varaқалар, тегишли кўрсатма материаллари чоп этилди ва лойиҳани амалга ошириш юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари билан келишган ҳолда йиғилишлар ўтказилиб, лойиҳадан кўзланган мақсадлар тақдироти бўлиб ўтди. Натийжада, амалга ошириладиган ишлар бўйича чора-tadbирлар ва дастурлар белгилаб олинди.

Хозирга қадар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ва транспорт инфратузилмаларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳитни яратиш бўйича лойиҳаларни бажаришни назорат қилишни таъминлаш мақсадида бизнинг Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси Навоий вилоят ҳудудий бўлими томонидан вилоятнинг Учкудук, Кармана туманлари, Зарафшон, Навоий шаҳарларидаги тиббиёт бирлашмаларида ҳамда МФЙ биноларида, мактаб ва мактабгача таъ-



лим масканларида жамоатчилик назорати бўйича мониторинг ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бўйича ишчи гуруҳи томонидан ташкилот раҳбарларига тегишли тавсиялар берилди. Тўсиқсиз муҳит яратиш борасидаги ишларимиз вилоятда инклюзив жамият яратиш борасидаги муҳим ва зарур қадамлар ҳисобланади.

**Шаҳриддин ҲАСАНОВ,**  
ЎЗНА Навоий вилоят ҳудудий бўлими раиси.

## • Таълим КУТУБХОНАЛАР ВА СПОРТ ЗАЛЛАРИ ЖИҲОЗЛАНМОҚДА


Шу кунларда Сурхон воҳасига баҳор аллақачон сепини ёйган, қир-адирлар кўк либосини кийган, дарaxтзорлар беқимс гулзорга айланган. Агар сиз Хуфар тоғлари эгалидаги Сарисий туманини айлансангиз ҳар гўшада замонавий, башанг биноларга кўзингиз тушади. Улар болаларимизнинг таълим оладиган даргоҳлари – мактаблар. Кейинги пайтларда давлатимиз раҳбарларининг эътибори тўғрисида мактабларнинг аҳоли бутунлай ўзгарди.



Эрта баҳордан мактабларнинг ховлилари тартибга келтирилди. Мамлакатимизни яшил маконга айлантириш учун кўплаб кўчатлар экилди, гуллар парвариши қилинмоқда.

Баҳор келиши билан мактабларимизда олимпиадалар, спорт ва фан йўналишлари бўйича беллашувлар авжга чиқди. Ўқув йилининг бошида билим олишга киришган ўқувчилар ўқув йили якунига ета бошлашга, ўз билимларини синовдан ўтказишга бошлайдилар.

Шу кунларда тумандаги мактабларда "Заковат" мусобақалари бошланди. Жумладан, 82-сонли урота умумтаълим мактабда тумандаги 9 та мактаб ўқувчилари иштирокида шундай мусобақалар бўлиб ўтди. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" танловига старт берилган эди. Туман мактабларидаги болалар инглиз, немис тиллари бўйича



Мен яқинда инглиз тили бўйича IELTS-7,5 сертификати кўлга киритдим. Бу ҳужжатни мен ҳаётимда юз берган жуда катта ютуқ деб қабул қилдим.

Агар мен бугун 10-синфни битираётган бўлсам, бу ютуқ келажаким учун катта бир қадам ташлашга умид бахш этди. Бу сертификат тўғрисида, биринчидан менга кириш имтиҳонларида 100 балл берилди. Қолаверса, инглиз тилини "жуда яхши" билганим учун дунёнинг АКШ, Буюк Британия, Канада, Австралия, Ирландия, Янги Зеландия ва Жанубий Африка Республикаси сингари ри-

## • Эътироф ЎҚИТУВЧИ ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗА ЯРАТА ОЛАДИ

вожланган давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртиларида инглиз тилида ўқишим учун имкон эшикларини очилди.

Бугун мен ўз-ўзимга баъзан бунга қандай эришдим, деб савол берман. Аслида, дунё таълими соҳасида мана шундай имкониятлар бор эканлиги меннинг тушимга ҳам кирмаган эди. Аммо инглиз тили фанини астойдил интилиш билан ўзлаштирдим. Бу сингари Сертификатлар тўғрисида менга, аниқроғи синфимизга шу тилдан яхши дарс бериб келаятган устозим, олий тоифали инглиз тили ўқитувчиси, синф раҳбаримиз Мухайё опа Арипова биринчи бор айтган эдилар.

Ўқитувчимнинг IELTS Сертификати ҳақидаги биланларини дарсдан кейин қайта сўраб олдим. Кейин уни олишга эришиш борасида сўраб-су-

риштирган эдим, ўқитувчим ёрдам бериши мумкинлигини айтди. Шундан сўнг инглиз тили фанини ўрганишга яна ҳам иштиёқим ошди. Ўқитувчимни дарсда ҳам, дарсдан кейин ҳам хол-жонга кўймайдиган бўлдим. Ўқитувчим Мухайё опа мендан вақтларини ҳам, билимларини ҳам аямалдир.

Ниҳоят, мен инглиз тилини "жуда яхши билади" деган маънони англатадиган IELTS-7,5 Сертификатини кўлга киритганимдан кейин ўқитувчимнинг хизматларини тўла-тўқис аниқладим. Ёни-мизда ҳеч қимдан ўзгача бўлмаган тарзда камтарона юрган ўқитувчи ана шундай мўъжиза яратишга қодир эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Тўғриси, бундай Сертификат олганим меннинг учун чинакам мўъжиза бўлди. Бизнинг синфимизда бир мен эмас бошқа болалар ҳам шун-

дай Сертификатга эга бўлишди.

Мухайё опа шу кунларда менга яна бир маслаҳат берди. Энди шу маслаҳатга биноан тегишли билим даргоҳларига қатнаб математика фанини ҳам инглиз тилида ўрганиб ана шундай сертификат олоқчиман. Тилни билганим учун бу ораумини амалга оширишга кўзим етади. Шунда дунёнинг нуфузли олий таълим даргоҳларида ўқиш сингари ораумимга етишимизга ишонаман.

Мен ўқитувчим Мухайё опадан бир умр миннатдорман. Нуфузли университетларда ўқиб, мен ҳам шу инсон сингари чинакам устоз бўлишга, мўъжизалар яратишга ҳаракат қиламан.

**Муҳаммадлазиз ИБАЙДУЛЛАЕВ,**  
Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидаги 61-мактаб ўқувчиси.



### Парламент комиссиясининг 2024 йил 29 мартдаги 12-сонли қарорига 1-илова

#### Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди "Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий гоғларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун 1-танловни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг кўйидаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни қабул қилинади:

- "Янги Ўзбекистон" мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади" деган гоғ асосида ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар ёшлар бўлиб улғайишига қўмаклашиш;
- Учинчи Ренессанс гоғсининг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар тафаккурига сингдириш;
- Жадидларнинг ватанпарварлик, миллатпарварлик ва тараққийпарварлик соҳасидаги маънавий-маърифий меросини ёшлар онгига етказиш;
- Ёшларни миллий ва умумбашари қадриятлар руҳида тарбиялашга қўмаклашиш, она-Ватанга муҳаббат, бузғунчи гоғларга қарши иммунитетларни янада кучайтириш;
- Ёшлар орасида ижтимоий тadbиркорликнинг асосларини кенг тарғиб этиш, ёшлар қатламининг молиявий саводхонлигини ошириш, молиявий хизматлардан фойдаланадиган ёш истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- Муқаддам судланганликнинг ҳуқуқий оқибатларига дуч келган, уюшмаган ва тарбияси оғир ёшларнинг жамиятга қайта ижтимоий интеграциясига ва бандлигини таъминлашга қўмаклашиш;
- Ногирон, кам таъминланган, чин етим ёшларнинг қайта касбга тайёрлаш, уларнинг гоғ ва ташаббусларини рўёбга чиқариш ва бандлигини таъминлашни рағбатлантириш;
- Қишлоқ жойлардаги таълим муассасалари битирувчиларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда уларни Конституцияга мувофиқ ҳар қандай тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишга ва ўз фаолиятини йўналишларини мустақил равишда танлаш ва бизнесни ривожлантиришга қаратилган ишларини кучайтириш;
- Ёш қизларни, оилаларни оилавий ва ҳусусий тadbиркорлик-

- ка, ҳунармандчиликни ташкил этишга қўмаклашиш;
- Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоғлари ва лойиҳаларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;
- Ёшларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат гоғларини, ватанга садоқат, маданий меросга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни оммавий маданиятнинг салбий иллатлари таъсиридан ҳимоя қилишга қўмаклашиш;
- Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга, "Жаҳолатга қарши маърифат" гоғси асосида кенг тарғибот ишларини амалга оширишда замонавий инновацион ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш;
- Буюк аждодларимизнинг ватанпарварлик ва тараққийпарварлик тўғрисидаги бой маънавий-маърифий меросини ёшлар онгига сингдириш;
- Ёшлар орасида ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини кенг оmmалаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича янги ёндашувларни жорий қилиш;
- Аҳолини, айниқса, ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва зарарли таъсиридан ҳимоя қилишда таълим муассасаси, оила ва маҳалла институтлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш;
- Маънавий баркамол шахсни тарбиялашга, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, ёшлар орасида китоб ўқиш маданиятини шакллантиришга қўмаклашиш;
- Давлат дастури ижросининг аниқ натижаларини, ислохотлар жараёнларини хорижий ва маҳаллий ОАВларда кенг ёритиш;
- Жамиятда радикаллашув ва мутаассиблик, ёт гоғлар таъсирига қарши мустаҳкам маънавий ҳимоя қобили шаклланишига қўмаклашиш;

Давлат гранти ажратиш учун кўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:



### Парламент комиссиясининг 2024 йил 29 мартдаги 12-сонли қарорига 2-илова

#### Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» тамойили асосида аҳолини тadbиркорликка кенг жалб этиш» мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун 2-танловни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг кўйидаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни қабул қилинади:

- "Давлат оргanelлари, бизнес субъектлари билан ҳамкорликда фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулкларни ташкил этиш орқали ёшлар, аёллар ва ёш оилаларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш;
- Чекка, тоғли ва олис қишлоқ ҳудудларида оилавий тadbиркорликни ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини қўллаб-қувватлаш;
- Банд бўлмаган аҳолини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ҳудуднинг ҳусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг иқтисодий, молиявий ва бизнес соҳасидаги кўникмаларини юксалтириш ҳамда тadbиркорликнинг турли соҳаларига кенг жалб қилиш;
- Елғиз ва кўп болали оилалар фарзандларини, ишсиз ёшларни қўшимча касбларга (тиқувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар) ўргатиш ҳамда бандлигини таъминлашга қўмаклашиш;
- Маҳаллий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали маҳаллаларда ижтимоий корхоналарни ташкил этиш ҳамда меҳнат бозорини рақобатбардош бўлмаган аҳоли қатламининг бандлигини таъминлаш;
- Кам таъминланган ва даромади паст аҳоли қатламининг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолида тadbиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички имконияти ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

7. "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" тамойилини ҳаётга жорий этиш орқали аҳолини тadbиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тadbиркорлик ва касаначилик, ҳунармандчиликни рағбатлантириш борасида тарғибот ишларини олиб бориш;
- Турizm маҳаллаларида миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга аҳолини иш билан банд бўлмаган қисминини жалб қилиш қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;
- Уй-ўрнатилган фойдаланган ҳолда даромад манбаини шакллантиришга, янги иш ўринлари яратишга ва даромадлар манбаига айлантиришга қўмаклашиш;
- Миллий ҳунармандчилик соҳасида устоз-мураббийлик анъаналарини янада ривожлантириш, кекса авлоднинг билими, тажрибаси ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, уларни ҳаётга тadbир этишга қўмаклашиш
- Турizmнинг тарихий-илмий, экологик, гастрономик ва бошқа турларини хорижий аудитория ўртасида оmmалаштириш орқали Ўзбекистоннинг сайёҳлик ҳамда маданий-тарихий жозибadorлигини кучайтириш;
- Ўзбекистон - 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида фуқаролик жамияти институтларининг хоспислар ташкил этишга доир роли.

Давлат гранти ажратиш учун кўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг [www.fondngo.uz](http://www.fondngo.uz)

расмий веб сайти ва [https://t.me/GROUP\\_JAMOAT\\_FONDI](https://t.me/GROUP_JAMOAT_FONDI) телеграм каналда жойлаштирилган ва янги юкланган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охириги ўзгартариш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;
  4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
  5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;
  6. Ташкилотнинг солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
  7. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.
- Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 200 миллион сўмгача.
- Ҳужжатлар 2024 йил 1 апрелдан 2 майгача қабул қилинади.
- Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор кўчаси, 1-уй.
- Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг [www.fondngo.uz](http://www.fondngo.uz) расмий веб сайтида танишиш мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: (78) 238-23-76, (78) 238-23-77.



беллашиб, кўпмиллион сўмлик совринларни ютиб олишиди.

Бу жараён туманининг таълим ўзбек ва тожик тилларида олиб бориладиган 68-, 52-, 82- ва 51-мактабларда яна ҳам кўзинг кенди. Масалан, 68-билан 82-мактаб тумандаги энг йирик мактаблардан бири ҳисобланади. Масалан, 68-мактаб биносининг қуввати 420 болани ўқитишга мўлжалланган. Айни пайтда, бу мактабда икки сменада 866 нафар болалар таълим ва тарбия олоқдалар. Уларга 60 нафар устоз-педагоглар таълим бериб келишмоқда. Мактаб раҳбарияти юқоридан бериладиган маблағини кутиб ўтирмадиган синфларни ўзларининг ташаббуслари билан жиҳозлашга ҳаракат қилмоқдалар. Мактаб ичидаги жиҳозлар ва фан кабинетлари учун "опен бюджет" дан 2022 йилда ҳам, 2023 йилда ҳам 450 миллион сўмдан маблағ ютиб олинди. Бу пуллар ҳисобига болаларга бериладиган таълимни юқори савияга кўтаришга эришилди.

Туман мактабларида китобхоналик ташаббуси кенг ёйлиб бормоқда. Кейинги йилларда тумандаги мактабларнинг аксариятида кутубхоналар куриш ва уни жиҳозлашга эътибор кучайтирилди. Кутубхоналар




қуриш учун маблағлар ҳам "опен бюджет" ҳисобидан ютиб олинмоқда. Кўпгина мактабларнинг кутубхоналари ҳомиларнинг ёрдамида ҳам тиклаб жиҳозланмоқда. Масалан, туманининг 68-сонли мактабдаги кутубхона мактаб директори Гулнора Раҳмонқуллова ташаббуси билан ҳомилар ҳисобидан куриб берилди. Демак, нафақат болалар, балки бу туманда яшайдиган ота-оналар ҳам китобхоналикни билим олишининг асосий омили сифатида тасаввур қиладилар.

Туманининг 82- мактабда спорт залини куриб, жиҳозлашга асосий эътибор қаратилди. Бунинг учун кетган маблағ ҳам "Опен бюджет"дан ютиб олинди. Мактаб янги спорт залини очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазири Хилола Умарова қатнашди.

Туман мактабларида Президентимизнинг беш ташаббуси бўйича ишлар кенг қўламда амалга оширилмоқда. Болалар спорт ва китобхоналикдан ташқари турли тўғрақларга қатнашиб, фан сирларини чуқур ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Тўғрақларда, айниқса, қизлар пазандалик ва чеварлик маҳоратини эгалламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, сарисиелик мактаб ўқувчилари янгилаш ва ёшариш байрамини ўқиш ва касб ўрганиш борасидаги катта ютуқлар билан кутиб олдилар.

Нуржаҳон ҒАЙИБОВА.



**IMKONIYAT**  
IJTIMOIY-SIYOSIY,  
HUQUQIY VA MADANIY GAZETA  
Муассис:  
Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси

**Бош муҳаррир**  
**Узукжамол НАЗАРОВА**

Тахрир хайъати:  
Адхам Икромов, Озодбек Назарбеков, Акмал Саидов, Ойбек Исоқов, Жамшид Обрўев, Светлана Ортиқова, Камолиддин Ишанхўжаев, Усмон Азим, Рашид Раупов, Тўраҳўжа Эрхўжаев.

2023 йил 19 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва коммуникациялар агентлигида 132096-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 275. Ҳаҳми – 2 бошма тобоқ. Қоғоз бичими – А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"Imkoniyat"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муайиллар фикри тахрир этиш нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Манзили: 100027. Тошкент шаҳар, Фуркат кўчаси 1-уй. Телефон: (94) 653-47-70. (94) 601-59-57. Буюртма Ғ-409. Адади 700.